# АССАЛОМ, НАВРЎЗ!


# Хабар

XABAR

خبر

*Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри*

**1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 20 март № 11 (291) ● Сотувда нархи эркин**


**Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги юртимизнинг барча заҳматкаш алоқачиларини баҳор ва янгиланиш байрами — Наврўз билан самимий табриклайди**



## ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

***Республикамизнинг барча вилоят ва туманларида улуғ айём Наврўзни кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилди. Қишлоқ ва шаҳарларда ободонлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилди. Бу ишларда мактаб ўқувчиларидан тортиб, маҳаллий ҳокимликлар, турли корхона ва ташкилотлардан ишчи-хизматчи, мутахассис раҳбарлар фаол иштирок этишди.***

Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида ҳам ана шундай тадбирлар бўлиб ўтди. «Сирдарё телеком» ва «Сирдарё почтаси» ҳиссадорлик жамиятларининг алоқачилари ўз корхоналари жойлашган ҳудудни ободонлаштиришда қатнашишди. Сирдарёлик алоқачилар шу куни ариқ-зовурларни тозалаб, дов-дарахтлар тагини юмшатишди. Уларнинг ўзаро аҳилликда, ҳазил-мутойиба билан меҳнат қилишларини кўриб, «Ҳашар — элга ярашар» деган ҳикматли сўзни эсладим. Ҳақиқатдан ҳам уйғониш фасли БАҲОР ва улуғ байрамларимиздан бири НАВРЎЗда одамларни ўзаро тотувликда яшашга ундовчи, кўнгилга фақат иймон-эътиқод, эзгулик уруғини сочувчи қутлуғ сеҳр бор.

***Абдуғани АБДУРАСУЛ ўғли,***
***Сирдарё вилояти***

## НАВРЎЗ СИЗГА МУБОРАК

**Унутилган дунёдан ўзлигим қайтаётир,**
**Момом чанқовуз билан бир ўлан айтаётир,**
**Ўлан айтган юракда зор ётур, армон ётур,**
**Бошида қори борлар Наврўз Сизга муборак,**
**Кўнглида зори борлар Наврўз Сизга муборак.**

**Яшил-яшил қирларда от кўрмадим, из кўрдим,**
**Отамнинг елкасида чуқур-чуқур кўз кўрдим**
**Қорачиғлар тундайин, аммо унда туз кўрдим.**
**Елкаси бор оталар Наврўз Сизга муборак,**
**Мен кўрмаган дунёлар Наврўз Сизга муборак.**

**Онажон, қатимларинг қисқа эмас, узундир,**
**Узун-узун қатимлар бесабрга тўзимдир,**
**Ойга омонлик айтган сўзларингни менга бер,**
**Онажон, жон жаҳоним Наврўз Сизга муборак,**
**Етолмаган имконим Наврўз Сизга муборак.**

**Тол новдасин эгсангиз синмас, бўлур айлона,**
**Ишқдан кўзига сурма тортмас қайси жонона.**
**Ишқ деб адо бўлганларни атармишлар девона,**
**Тилида байти борлар Наврўз Сизга муборак,**
**Байтида дарди борлар Наврўз Сизга муборак.**

**Кўзимдан боқар менга соддагина қишлоғим,**
**Сумалак қайноғидай юксалган Ҳисор тоғим,**
**Тош шаҳарда зерикдим, Сенга қайтгум бор чоғим,**
**Элим, юртим, қишлоғим Наврўз Сизга муборак,**
**Шеър бўлмай қолган оҳим Наврўз Сизга муборак.**

***Моҳинисо КАМОЛОВА***

## БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

Ўлкамизга Наврўз кириб келди. «Қорақалпоқ почтаси» ҲЖга қарашли Хўжайли почта алоқа бўлими меҳнат жамоаси ҳам ушбу шодиёнани қувонч билан кутиб олмоқда. Заҳматкаш почтачилар ўз олдиларига қўйилган вазифаларни сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилаётир. Ўтган йил якунлари ёмон бўлмади. Йиллик вазифалар муваффақиятли уддаланди.

Меҳнат жамоаси шу йил бошидан ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Энди жамоа аъзолари йил якунига келиб дивиденд олишга муяссар бўладилар.

Наврўз куни меҳнат аҳлига байрам дастурхони ташкил қилинади. Уруш ва меҳнат фахрийларидан Нурниёз ака Таумуратов, Сапарбой Қалжонов, Хатима Фахриддинова, Бағдагул Дўсбергеновалар давранинг азиз меҳмонлари бўлишади. Шунингдек, кам таъминланган оилаларга, боқувчисиз қолган оила аъзоларига моддий ёрдам бериш ҳам кўзда тутилмоқда. Меҳнат жамоасида бу тадбирга атаб махсус маблағ ажратилди.

Халқимиз оммавий байрамларни мазмунли ва мароқли ўтказишни билади. Бу борада муайян анъана ва тажриба бор. Наврўз байрамини эса ўйин кулгисиз, хурсандчиликсиз тасаввур қилиш қийин. Корхонанинг саралаш бўлими бригадири Зибош Дилмуҳаммедова ва Дамели Масабаевалар иштирокида халқ қўшиқлари ижро этилиши кўзда тутилган. Ёшлар эса рақсга тушиб, даврага файз киритишади.

Ҳа, ўлкамизда Наврўз кезмоқда. Наврўз муборак, азиз касбдошлар!

***Раҳимжон БОЛТАБОЕВ,***
***«Қорақалпоқ почтаси» ҲЖ Хўжайли бўлими иқтисодчиси***

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

**•Янгиликлар•Воқеалар•Хабарлар**

● Қирғизистон пойтахти Бишкекда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари Бош вазирлари Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлди.

**● Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Исмоил Жўрабеков жойларда экиш мавсумига, жумладан, плёнка остида чигит экишга тайёргарликнинг аҳволига бағишлаб сим орқали кенгаш ўтказди.**

● Германиянинг Гамбург шаҳрида профессионал бокс бўйича жаҳон биринчилиги учун беллашувда ҳамюртимиз Артур Григорян олтинчи марта жаҳон чемпиони бўлди.

**● Сўнгги кунларда Белоруссия миллий валютаси кескин қадрсизлана бошлади. Шу муносабат билан Белоруссия молия идораларининг раҳбарлари Москвага нажот излаб келди. Аммо Россия Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Чубайснинг фикрича, Белоруссияга фақат Россия бюджетидан Ҳамдўстлик давлатларига молиявий ёрдам кўрсатиш моддаси бўйича кредит берилиши мумкин.**

●Абхазияда маҳаллий ҳокимият идораларига сайловлар бўлиб ўтди. Грузия бу сайлов якунларини тан олмаслигини билдирди. Бунга Абхазия аҳолисининг катта қисми ҳозир қочоқ ҳолда, бошқа ҳудудларда яшаётган бир пайтда маҳаллий ҳокимият идораларига ўтказилган сайловни адолатли деб тан олиб бўлмаслиги сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

**● Ҳиндистонда чиқадиган «Ҳиндистон таймс» газетаси мамлакат ёшлари ўртасида ўзига хос сўров ўтказди. Газета ёшларга: Янги бош вазир қандай фазилатларга эга бўлиши керак ва у дунёдаги машҳур давлат арбобларидан қайси бирига ўхшашини истардингиз, деган савол билан мурожаат этди. Ёшларнинг фикрича, бош вазир машҳур давлат арбоблари Жон Кеннеди, Фидел Кастро, Саддам Ҳусайн ва Британия қироличаси Елизавета II га ўхшагани маъқул экан. Албатта, аксарият ҳиндистонлик ёшлар бу рўйхат бошида Жавоҳарлал Неру номини тилга олишган.**

● Австралия Бош вазири Жон Говард мамлакатда гиёҳвандликка қарши курашни кучайтириш учун қўшимча 100 миллион доллар маблағ сарфланишини эълон қилди. Илгари ҳам шу мақсадда ҳукумат томонидан 87 миллион доллар ажратилган эди.

# ВАТАНИМ, МУБОРАК БЎЛСИН НАВРЎЗИНГ!

## БОҚИЙ УДУМЛАР РАМЗИ

Наврўз Шарқ халқларининг қадимий байрамидир. Кўп асрлар давомида босқинчилар Шарқ халқларининг умумий байрами Наврўзни йўқ қилиб юборишга ҳаракат қилдилар. Аммо Наврўз барҳаётлигича қолаверди, қайта тирилаверди.

Наврўз бирон бир санани нишонлаш учунгина байрам қилинадиган ҳодиса ҳисобланмайди. У табиатнинг ўзидан келиб чиққан, куну тун тенглашгандан сўнг, кунларнинг узайиши, узлуксиз меҳнат арафасидаги байрамдир. Узоқ қишдан сўнг кўкда қуёшнинг юз кўрсатиши, қирда майса-гиёҳларнинг ниш уриб чиқиши халқимиз учун ҳақиқий шодиёнага айланган. Нега деганда, ўтган йилги йиғилган ғалла ҳам, озиқ-овқатлар ҳам соб бўлай деган, илик узилди пайтларда яна Она-табиатнинг ўзи меҳр-мурувват кўрсатиб, ёруғ кунлардан дарак берган. Шу кунларгача эсон-омон етиб келишган қарияларнинг ҳам томирларида қайтадан ғайрат жўш урган.

Наврўз байрамини барча форс, араб, туркий тилларда сўзлашувчи халқлар ҳар йили баҳорда нишонлаб келишган. Бу қадимий, анъанавий Янги йил байрамимиз ҳақида улуғ боболаримиз Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида, Маҳмуд Қошғарий эса «Девону луғотит турк» асарида жуда қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Умар Хайём олим, шоир, файласуф сифатида бу байрам ҳақида «Наврўзнома» номли махсус китоб ёзган. Навоийнинг устози — туркигўй шоирларнинг маликул каломи — Лутфий домла «Гул ва Наврўз» номли ўлмас достон яратган.

Наврўз байрами кеча билан кундузнинг тенглашган пайти, баҳор фаслининг 21-22 март кунларидан бошлаб бир ҳафта, ўн кун давомида ўтказилган. Бу байрам аввало табиатнинг жонланиши, янгиланиши, янги йил билан юртимизга гўзал Баҳор фаслининг кириб келиб, келинчакдек ўз яшил сепини кенг ёйиши билан бошланган.

Ота-боболаримиз , буви-момоларимиз бу байрамни нишонлаб, турли-туман маросимлар ўтказишган. Қадимда аждодларимиз Наврўз кунлари қиш манзиллари — қишлоқлардан ёзги меҳнат ва ҳордиқ масканлари — ёзлоқларга кўчиб ўтишган. Далаларда баҳорги экин-тикин ишлари бошланиб кетган. Деҳқонлар ерга қўш солишган. Жамоа-жамоа бўлиб, ҳашар-ошарлар уюштирилган. Ўтган аждодлар руҳи ёд қилинган. Уларнинг мозорлари ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилган. Оммавий равишда мевали, манзарали дарахтлар ўтқазилган. Далаларда, ёзлоқларда Наврўз — янги йил, янги ҳаёт қайнаган.

Наврўз байрамига атаб аждодларимиз махсус кийимлар тайёрлашган ва уларни кийиб, байрам қилишган. Наврўз таомлари ўзига хос бўлган. Улар орасида айниқса сумалак, ҳалим тайёрлаш анъанавий одат тусига кирган.

Бу жараёнларда турли-туман халқ ўйинлари, баҳор қўшиқлари ижро этилган. Китобхонлик, турли ўйинлар, мусобақалар ташкил этилган. Кўпкари-улоқ, кураш, турли ҳайвон ва парранда жанглари, хўроз, ит, қўчқор уриштириш, масхарабозлик, аскиябозлик, дор ўйинлари, халқ томошалари ўтказилган.

Наврўз байрамининг энг аҳамиятли жиҳатларидан бири — кексаларга ҳурмат, уларнинг ҳолларидан хабар олиш, кўмак беришдир.

Байрам кунлари ораларидан гап қочган одамлар, дўст-оғайнилар, қариндош-уруғлар ярашиб, бир-бирларини Наврўз билан табриклаб, эсонлик-омонлик, тинчлик-хотиржамлик тилашган.

Қозоқ оғайниларимиз Наврўз кўжаси, тожик қадрдонларимиз Наврўз кўмочи, биз ўзбеклар эса сумалак, ҳалим, қўш оши каби Наврўз таомлари билан бир-бирларимизни сийлаб, байрамни биргаликда ўтказганмиз. Ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, ва озор халқлари Наврўз баҳонасида бир-бирларининг миллий, ўзига хос урф-одатларини, маданиятларини тўлдириб, бойитиб борганлар. Бундан халқлар ўртасидаги дўстлик — байналмилаллик қарор топган, янада мустаҳкамланган.

Қадимдан ота-боболаримиз Наврўз байрамини қизиқарли, жонли ва таъсирли ўтказганлар. Айниқса сумалак, ҳалим тайёрлашда туни билан мижжа қоқмай, турли эртак ва ривоятлар, ҳикоятлар айтилган. Кундузлари кўпкари-улоқ, кураш ва сайил бўлган. Шу тариқа қадимий урф-одатларимиз авлодлардан-авлодларга ўтиб, давом этиб, яшаб келган.

***Маҳмуд САТТОР***



## СУМАЛАК ҲАҚИДА

● Қишдан эсон-омон чиқиб олган одамлар бир-икки косадан буғдой йиғиб, ундириб, бир дошқозонда сумалак пишириб ейишса, бир-бирларига қариндошдек яқин бўлиб қолишади.

● Сумалак буғдойи ундирилаётган уйга бегона кишиларни киритмайдилар. Кўнгли тоза, покиза одам буғдой ундирилаётган хонага «Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм» деб киради ва майсага сув сепади.

● Кўкартирилган буғдой майсасини одамлар кўзига суртишади, «яхшилик, янгилик», деб тавоф қиладилар. Бу билан Наврўздан бошланадиган янги йилимизда ҳосил мўл, юрт тинч-омон бўлсин, деб ният қилишади.

● Сумалак пишадиган куни ҳамма янги кийим кияди, имкони бўлмаган киши ҳеч бўлмаса бирорта оҳорли мато бўлаги билан бармоғини боғлаб қўйса ҳам савоб бўлади, дейдилар.

● Сумалак пишираётган момолар ундирилган буғдой майсасининг ширасини қизил рўмолдан сузиб олганлар ва ўзлари ҳам қизил кўйлак кийиб, шу рангдаги рўмолдан ўраганлар. Шундай қилинса, сумалак қиёмига етиб, қип-қизариб пишар эмиш.

● Сумалакка солинадиган унни пиру бадавлат онахонлар элайдилар. Икки кампир ун элаб бўлгач, супра устига дока ёпиб, ташқарига чиқиб кетадилар. Хона эшиги очиқ қолдирилади. Чунки сумалак Биби Фотима онамизнинг ошлари бўлгани учун у киши уйга кириб, супра устида айлансалар, ҳамманинг муроди ҳосил бўлар экан. Шу боис халқ орасида «Сумалак — бир яламак», — деган нақл юради.

● Сумалак тарқатилгандан кейин яхши ният қилган аёл дошқозонни ювади. Сўнгра дуо ўқиб, қозон ичидаги сувни бирор мевали дарахт тагига тўкадилар.

## «ХАТТОТЛАР ШОҲИ»

Санъаткорона хати туфайли «хаттотлар шоҳи» деб аталган Султон Али Машҳадий содда кўнгилли, ҳар бир ишда содиқ киши эди. Бир куни Султон Ҳусайн Бойқаро унга: «Менинг учун бир қабр тоши ёз!» — деганида Султон Али: «Шоҳимнинг ҳар қандай фармонларини қуллари бажаришга тайёр, аммо бу ишнинг амалга оширилиши узоқ муддатга қолдирилади», — деб жавоб беради.

Шунда подшо кулиб:

— Биз ҳам жуда яқин вақтда ўлмоқ хаёлида эмасмиз. Сиз ҳам кўп тезлик қилманг, — дейди.

## БИР ҲАРФНИ 60 КУНДА

Худойберган Муҳркан Хивақий 1817 йили Хивада туғилган. Хаттотликни санъат даражасига етказган моҳир хаттотлардан бири деб танилган.

Унинг хатга шавқи шу қадар баланд эдики, биргина «ё» ҳарфини ёзишни 60 кунгача машқ қилган экан. Дўстлари унинг тиришқоқлигини кўриб, «сенинг хатинг устозинг Мир Имодникидан кам эмас» десалар ҳам, хати ўзига маъқул бўлмас экан.

***А. АЛИЕВ тайёрлади***

## ЯНГИЛАРИДАН ЎҚИНГ

— Айтингчи, дўхтир, кўпроқ сабзи есам ростдан ҳам кўзим равшанлашадими?

— Албатта! Ахир сиз ҳеч қачон кўзойнак таққан қуённи кўрганмисиз?

* * *

Футбол мусобақасида жонжаҳди билан бақирган ишқибоз деди:

— Уфф, овозим йўқолиб қолганга ўхшаяпти.

Шунда ёнида ўтирган қўшниси далда беради:

— Хавотирланманг, овозингизни менинг ўнг қулоғимдан топасиз.

* * *

— Кечирасиз, Сиз қонуний никоҳдан туғилганмисиз?

— Ҳа, ярим қонуний никоҳдан туғилганман.

— Ие, буниси қандоқ бўлди?

— Отам уйланган, онам эса эрга тегмаган экан.

* * *

Қоқ ярим тунда истироҳатгоҳда иккита банги учрашиб қолишибди.

— Менга қара, оғайни, мана бу ёруғ нарса ойми ёки қуёшми?

— Ким билади дейсан, мен бу ерлик эмасман.

* * *

— Айбланувчи, Сиз ҳақиқатдан ҳам мана бу жабрланувчига помидор отганмисиз?

— Худди шундай.

— Унда бу бечоранинг бошидаги ғурралар қаёқдан пайдо бўлган?

— Ахир помидорлар банкада эди-да!

* * *

Қўнғироқ жаранглагач, эр эшикни очади. Юзига ниқоб тутган босқинчи таҳдид қилади:

— Мен аёлларнинг жонини олувчиман!

Эр ичкарига қараб хитоб қилади:

— Хотин, чиқ буёққа, сени йўқлаб келишибди.

МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

●

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ ОТАУЛИ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

●

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-01093. 15061 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

